



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 6 ноябрь, № 228 (9123)

Пайшанба


Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон — АҚШ:

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлиб турибди.



Давлатимиз раҳбари Вашингтон шаҳрига ташрифи доирасида 5 ноябрь куни ўзига ажратилган

қароргоҳда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари Билл Хайзенга, Кэрол Миллер ва Сидни

Камлагер-Давни қабул қилди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муноса-

батларини янада мустаҳкамлаш, икки мамлакат парламентларининг амалий ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Конун чиқарувчи органлар ўртасидаги алоқалар жадал ривожланиб бораётгани, АҚШ Конгрессида Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича Кокус самарали фаолият олиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ҳар йили Вакиллар палатасида Кокус кўмагида икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган Ўзбекистон кунлари ўтказиб келинмоқда.

Конгресс олий даражада эришилган, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга доир келишувларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиши муҳим экани таъкидланди.

Худудлараро алоқаларни кенгайтириш, конгрессменлар вакиллик қилаётган Фарбий Виржиния, Мичиган ва Калифорния штатлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида АҚШ Конгресси вакилларининг Ўзбекистонга ташрифини уюштириш, шунингдек, икки мамлакат ҳудудлари раҳбарлари бошчилигидаги ишбилармон доиралар делегацияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этишга келишиб олинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Вашингтон шаҳрига амалий ташрифи доирасида ўзига ажратилган қароргоҳда АҚШ Сенатидаги Марказий Осиё бўйича Кокуснинг ҳамраиси, сенатор Стив Дэйнсни қабул қилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари парламентлараро алоқаларга, хусусан, Сенатдаги Марказий Осиё бўйича Кокус фаолиятига юқори баҳо берди.

Икки томонлама ҳамкорликда мисли кўрилмаган юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо кўрсаткичлари ўсмокда, АҚШнинг етакчи ком-

паниялари билан муваффақиятли кооперация лойиҳаларининг сони кўпаймоқда.

Кейинги ойларда рекорд қийматдаги келишув ва шартномалар имзоланди. Бу галги ташриф давомида янги иқтисодий ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган. АҚШ Конгресси мазкур келишувларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаши муҳим экани таъкидланди.

Сенатор Стив Дэйнс вакиллик қилаётган Монтана штати билан фаол ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди. Штат ишбилармонлари делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи давом этмокда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Сенатор ва ҳаёт

Инфратузилма ва туризмга оид йирик лойиҳалар – эътиборда

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сурхондарё вилоятида бўлиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолининг турмуш даражаси ва янги инфратузилма объектлари билан яқиндан танишди.

Ташриф давомида Термиз туманидаги Айритом маҳалласида жойлашган Жаҳон савдо маркази фаолияти ўрганилди. 36 гектар майдонда жойлашган ушбу марказда барча давлат фуқаролари учун 15 кунгача визасиз кириб-чиқиш, мульти-валютада савдо қилиш имконияти яратилган. Тиббиёт маркази, бизнес мактаби, меҳмонхона, ресторанлар ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда.

Шунингдек, ишчи гуруҳ Термиз шаҳридаги Эски шаҳар маҳалласида жойлашган вилоят кўп тармокли тиббиёт марказида 86,4 млрд. сўм маблағ эвазига барпо этилган тиббиёт кластери фаолияти билан ҳам қизиқди. Ушбу мажмуа 300 ўринли тиббиёт маркази, 450 ўринли ўқув хоналари ва конференция залига эга бўлиб, юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратиш билан

бирга вилоятнинг олий маълумотли шифокорларга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

Бу ерда замонавий тиббий хизматлар ҳам йўлга қўйилган. Ўта мураккаб амалиётлар, жумладан, илк бор очик юрак жароҳлиги ўтказилмоқда. Бугунги кунга қадар 100 нафарга яқин беморларда бундай операциялар муваффақиятли бажарилган.

Ташриф доирасида Сенат ишчи гуруҳи Термиз шаҳридаги “Боқий шаҳар” туристик мажмуаси ва ундаги бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди. Мажмуа ҳудудида мусиқали фаввора, замонавий турист ва гастронмик кўчалар, дам олиш масканлари барпо қилингани сайёҳликни янада кенгайтиришга ҳисса қўиши эътироф этилди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

«Яшил» иқтисодиёт раўнақида муҳим омил

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тadbиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан Экологик партия фракцияси ҳамкорлигида Ўзбекистон энергетика комплексида водород ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш истиқболлари, иқтисодиётни энергия ресурслари билан ишончли таъминлаш ва энергия самарадорлигини ошириш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар вакиллари, олимлар, экспертлар ҳамжамияти, жамоат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда бутун дунёда муқобил энергия манбалари ҳамда янги энергия ташувчиларини топишга қаратилган изланиш ва тадқиқотлар жадаллик билан олиб борилаётгани таъкидланди. Сўнгги ўн йилликда иқлимнинг ўзгариши, атроф-муҳитнинг ҳаддан зиёд ифлосланиши ва бошқа қатор экологик муаммолар юзгага келиши асосида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, экологик тоза ёқилгидан фойдаланиш масаласи янада долзарбланиши ургуланди. Маълумотларга кўра, атмосферага йиллик ташланаётган карбонат ангидрид чиқиндилари микдори 33 гигагоннадан ортди, “иссиқхона газлари” ҳажми эса тахминан 42 миллиард тоннани ташкил қилади.

Йиғилишда водороддан ёқилги сифа-

тида фойдаланиш афзалликлариға тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, унинг ёниши натижасида нафақат “экологик тоза” сув буғи ҳосил бўлади, балки органик ёқилгиға нисбатан у катта “энергия захираси”ға эға. Яна бир муҳим жиҳати, 1 тонна водород ёқилганда 3,5 тонна органик ёқилги ёқилганда олинадиган иссиқлик ажралиб чиқади.

Сўз олганлар кейинги йилларда Ўзбекистонда истиқболли муқобил энергия манбаи сифатида водородға жиддий эътибор қаратилаётгани, иқлим ўзгариши ва аънавий қазиб олинадиган ёқилгиларнинг тугаб боришини ҳисобға олган ҳолда водород “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш учун жозибали вариантға айланаётганини таъкидлади. Шунингдек, соҳани ривожлантириш мақсадида экологик тоза “яшил” водородни саноат миқёсида ишлаб чиқаришни тартибға солувиға қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилингани айтилди.



Олий таълим соҳасида ҳуқуқий платформа

Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси доирасида Олий таълимға оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенциянинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинишиға бағишланган махсус тақдимот бўлиб ўтди.

Тақдимот

Тақдимотда ЮНЕСКО Бош директорининг таълим бўйича уринбосари Стефания Жаннини, Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиртобй Шарипов, ЮНЕСКОнинг Олий таълимға оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенция бюроси раиси Стив Арне Скжервен ва бошқалар мазкур конвенциянинг олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, дипломлар ва малакаларни ўзаро тан олиш жараёнларини соддалаштиришдаги аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Айтилганидек, ушбу ҳужжатнинг Ўзбекистон миллий таълим тизимиға татбиқ этилиши халқаро таълим маконида мамлакатимиз нуфузини янада оширишға хизмат қилади.

Маълумотларға кўра, бугунги кунда юртимиздаги олий таълим муассасаларида ЮНЕСКОнинг 8 та кафедраси, мазкур ташкилот билан уйғунлашган 24 та мактаб фаолият кўрсатмокда. Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетиде 2024 йилда ЮНЕСКО кафедраси очилди.

Тошкент ва Фарғона шаҳарлари ЮНЕСКОнинг глобал таълим шаҳарлари тармоғиға кирган. Айни пайтда Самарқанд ва Нукус шаҳарларини ҳам мазкур тармокқа қўиш борасида ишлар олиб борилмокда. Бундан ташқари, ташкилот билан ҳамкорликда 9,6 миллион евро қийматидаги ишға жойлаштириш кўникмаларини ривожлантириш лойиҳаси амалға оширилмокда. Ушбу лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида биттадан техникум қишлоқ ҳўжағи йўналиши бўйича жиҳозланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида техникумлар педагоглари малакасини ошириш бўйича марказлар ташкил этилмокда.

Таъкидланганидек, давлатимизнинг Олий таълимға оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенцияни ратификация қилиши Ўзбекистоннинг халқаро таълим ҳамжамиятидаги фаол иштирокини намоен этиб, миллий дипломлар ва илмий даражааларнинг жаҳон миқёсида тан олиниши йўлида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

Тадбир доирасида глобал конвенцияға аъзо ва конвенцияни ратификация қилиш жараёнида бўлган давлатларнинг вакиллари ҳам ўз баёнотларини тақдим этишди.

Абдулазиз Йўлдошев
(«Халқ сўзи»).

Жаҳон саммитида Ўзбекистон етакчиликлнинг ёрқин намунасини намоиш этди

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Каттарга буюрган амалий ташрифи ва Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитидаги иштироки ҳақида фикр билдирди.

Эътироф

Антонио АЛОНСО,
Сан Пабло университети
профессори (Испания):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Доҳада бўлиб ўтган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитидаги нутқи билан танишиб

чиқдим. Менимча, Президент томонидан тақдим этилган ташаббуслар нафақат стратегик томондан, балки инсонларнинг кадр-қиммати ва келажаги учун муҳим аҳамиятға эға.

Адолат, тенглик ва заиф гуруҳларни ҳўйма қилиш тамойил-

лари доим қўллаб-қувватланиб келинган. Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартирилиши улкан ютуқ бўлиб, бу тизимли ва мақсадли ислохотларнинг самарали йўлидан далолат беради.

Ижтимоий адолат учун Глобал жамғармани ташкил этиш ташаббуси улкан халқаро салоҳиятға эға. Бугунги кунда ижтимоий тенгсизликлнинг кучайиб бораётган шароитида бундай тузилма глобал ҳамжамиятнинг камбағал-

ликка қарши курашишдаги саясий ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун кучли воситаға айланиши мумкин.

Рақамлаштириш ва сунъий интеллект даврида меҳнат бозорининг замонавий қарашларини акс эттирувчи ижтимоий масъулият ва муносиб меҳнат бўйича глобал ташаббусни ишлаб чиқиш ҳақидаги тақлиф ҳам бир хил даражада муҳим. Ушбу ёндашув замон руҳиға мос келади ва технологик тараққиёт ва инсоний

қадриятлар ўртасидаги уйғунликни таъминлашға қаратилган.

Президент, шунингдек, таълимнинг барқарор ривожланишда асосий омил сифатидаги ролини ҳақли равишда таъкидлади. Ўзбекистонда таълимға эътибор қаратган ҳолда очлик ва камбағалликка қарши курашиш бўйича глобал иттифоқ саммитини ўтказиш тақлифи мамлакатнинг гуманитар кун тартибиде етакчиликка содиқлигини намоиш этади.



Ўрганиш

Аҳоли фаровонлигини юксалтириш масалалари муҳокамаси

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий aloқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасида хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш, экспорт ҳажмини ошириш, туризм салоҳиятини ривожлантириш ҳамда иш ўринларини яратиш орқали аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган вазифалар ўрганилди.

Шунингдек, қўмита раиси А. Аъзамхўжаев, Қорақалпоғистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири В. Жоллибеков ҳамда бошқа масъуллар иштирокида ҳудуд-га хорижий инвестиция ва сайёҳлар-ни жалб қилиш, экспорт география-сини диверсификациялаш, ташқи иқтисодий aloқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кен-гашлари депутатлари ва тадбиркор-лар томонидан бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар

ҳамда ташаббуслар ҳақида фикр юритилди. Жумладан, аҳоли ва тад-биркорларни ташвишга солаётган инфраструктура, энергетика, сув таъ-миноти, лицензиялаш бўйича мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш ҳамда ушбу ҳудудни ижтимоий-иқти-содий ривожлантириш стратегияси-ни ишлаб чиқиш, иш ўринларини яратиш, саноат, ахборот техноло-гиялари, ишлаб чиқариш соҳалари-нинг истиқболлари юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Тенглик, адолат ва муносиб рағбат

Халқимизда “Меҳнат, меҳнатнинг таги — роҳат” деган нақл бор. Оғир ишдан бели букилган, қўли қадққ бўлган инсон меҳнатининг роҳатини муносиб ҳақ олганда хис этади. Шу боис барчамиз субҳи содиқдан то шомгача тирикчилик илинжида турли йўналишларда меҳнат қиламиз. Токи, меҳнатимиз эвазига муносиб ҳақимизни олайлик ва фарзандларимиз қорига яратайлик.

Фикр

Сўнгги йилларда мамлакатимиз-нинг иқтисодий кудрати янги ишлаб чиқариш қувватлари, инфратузилма лойиҳалари, экспорт имкониятлари ва инвестиция муҳитининг яхшила-ниши натижасида йил сайин ортяп-ти. Бироқ иқтисодий ўсишнинг бош мақсади рақамлар ёки фоизлар эмас, балки инсон қадр, фуқаро-ларнинг турмуш сифати ва ижти-моий барқарорлики таъминлашдир.

Шу нуқтаи назардан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш ва уни мунтазам равиш-да тақомиллаштириб бориш мам-лакатдаги ижтимоий сёбатнинг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Чунки бу меъёр фақат иш ҳақининг ҳисоб-ий чегараси эмас, балки жамият-даги тенглик, адолат ва инсон қа-дрининг амалий кўрсаткичидир.

Иқтисодиёт ўсиши барқарор бўлган мамлакатларда иш ҳақи даражаси ҳам мос равишда ошиб бо-риши табиий ҳол. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда меҳнатга ҳақ тўла-шнинг энг кам миқдори бир неча бор оширилди, иш ҳақи фондлари кен-гайтирилди, иш бевручларга тур-ли имтиёзлар жорий қилинмоқда.

Бироқ амалиёт шуни кўрсатади-ки, минимал иш ҳақини белгилаш-да аксарият ҳолларда қарорлар давлат органларининг ҳисоб-кито-би ва тақлифларига асосланмоқда. Бу эса баъзан бозор шароити, ҳу-сусий сектор имкониятлари ва ишчи кучининг реал эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олмасликка олиб келади.

Шу боис келгуси йилдан бош-лаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига оид қонунчилик ҳужжат-лари лойиҳасини ишлаб чиқиш жа-раёнига Ижтимоий меҳнат масала-лари бўйича уч томонлама респуб-лика комиссияси — Касаба уюш-малари Федерацияси, Камбағал-чилик қисқартириш ва бандлик ва-зирлиги ҳамда Иш бевручларга кон-федерацияси жалб этилиши режа-лаштирилмоқда.

Бу ўзгаришлар фақат ташкилий масала эмас, балки меҳнат муно-сабатларидаги янгича қараш, яъни иштирокчилик ва ижтимоий шерик-лик тамойилларига асосланган адо-латли ёндашувни шакллантиради.

Келинг, шу ўринда уч томонла-ма механизмнинг аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

«Яшил» иқтисодиёт равнақида муҳим омил

Йиғилишда водород технологияси тизимлари билан уйғунликда қуёш ва шамол манбаларидан олинадиган электр энергиясида ишлайдиган гибрид манбаларга асосланган ав-тоном-техник мажмуа тақдими тои ҳам ўтказилди.

Унда мазкур мажмуа юртимиз энергетика соҳаси ривожида му-ҳим аҳамиятга эга бўлиши таъкид-ланиб, унинг қатор афзал жиҳат-ларига эътибор қаратилди.

Йиғилишда депутатларнинг мамлакатимизда водород энерге-тикаси соҳасини ривожлантириш, энергия хавфсизлигини мустаҳ-камлаш, лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган саволларига мутахассислар атрофлича жавоб-лар қайтарди. Шунингдек, лойи-

ҳанинг аҳамияти ва уни амалга ошириш тартиби ҳақида тушунти-риш берилди.

Депутатлар энергия ишлаб чиқа-риш ишларини янги босқичга олиб чиқиш учун ушбу соҳадаги илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишни кенгайтириш ва жадаллаш-тириш зарурлигини қайд этди.

Яқунда юртимизда водород энер-гетикаси соҳасини ривожланти-риш, унинг самарадорлиги ва бу борадаги лойиҳаларнинг аҳамия-ти ҳақида жамоатчилик хабардор-лигини қулайтириш, тегишли лойи-ҳаларни амалга оширишда давлат органлари, илмий-тадқиқот муас-сасалари, олимлар ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга қара-тилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Ходимнинг асосий эҳтиёжлари-ни, хусусан, уй-жой, соғлиқни сақ-лаш, таълим, озик-овқат хавфсиз-лиги ва жамоат хизмати соҳасида-ги қафолатларни таъминлаш унинг меҳнатга бўлган муносабати ва иш унумдорлигини кескин оширади.

Мазкур комиссия орқали иш ҳақининг минимал миқдорини бел-гилашда давлатнинг иқтисодий им-кониятлари, иш бевручларнинг мо-лиявий салоҳияти ва ходимларнинг реал эҳтиёжлари уйғунлаштирила-ди. Меҳнат бозоридаги адолатсиз-лик ва тенгсизлик ҳолатларини ка-майтириш имкони яратилади. Иш ҳақи сёбатисидаги қарорлар шафоф ва жамоатчилик учун очиқ тарзда қабул қилинади.

Бу тажриба кўпгина ривожлан-ган давлатларда самарали натижа берган. Масалан, Германия, Фран-ца ва Корея Республикасида ми-нимал иш ҳақини белгилашда уч то-монлама ижтимоий кенгашлар фаол қатнашади. Улар ҳар йили инфля-ция, иш унумдорлиги ва аҳолининг ҳаёт даражасини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади.

Агар ходим муносиб иш ҳақи ол-саю лекин уй-жой, таълим, тибби-ёт ёки транспорт хизматларидан фойдаланиш имкониети кечланган бўлса, бундай муҳитда фаровонлик ҳақида гапириш қийин. Шу сабаб-ли давлат сёбатиси иш ҳақини оши-риш билан бир қаторда, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга ҳам йўналтирилиши керак.

Нурсатилла ПАРДАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Агрор,
сув ҳўжалиги масалалари ва
экология қўмитаси аъзоси.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАСИГА СТРАТЕГИК ЁНДАШУВ

Демократик жамиятда аёлларнинг сёсий фаоллиги, қарор қабул қилиш жараёнларидаги иштироки ва иқтисодий мустақиллиги давлатнинг барқарорлиги ҳамда ривожланиш салоҳиятини белгилайди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлашни миллий сёбат даражасига олиб чиқди. Бу жараён нафақат ички сёсий барқарорлиқни мустаҳкамламоқда, балки мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини ҳам оширмоқда. Зеро, Президентимиз раҳбарлигидаги янги Ўзбекистон сёбатисида инсон қадр ва тенглик тамойили асосий ўринни эгаллайди.

Мушоҳада

Шу асосда, гендер сёбатсини амалда таъ-минлаш учун институционал тизим яратилди. Гендер тенглик бўйича комиссия, “аёллар дафтари” тизими, Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси каби меха-низмлар давлат сёбатсининг муҳим бўғинига айланди. Бу тизимнинг амалий натижалари — аёлларнинг сёсий фаоллиги ошиши, иш-билармонлик ва раҳбарлик лавозимларидаги иштирокининг кенгайиши билан ифодалан-моқда.

Сёсий жараёнларда аёллар иштироки — демократиянинг чўқурашувини белгилайди-ган асосий кўрсаткичлардан бири. Олий Маж-лис Қонунчилик палатасида аёл депутатлар улуши 38 фоизга етгани мамлакат сёсий ти-зиммида гендер мувозанат шаклланаётганини кўрсатади. Бу нафақат рақам, балки сёсий фикрнинг хилмахиллигини, қарор қабул қилишда аёллар нуқтаи назарининг инобатга олинишини аңлатади.

Маҳаллий даражада ҳам “Аёллар етакчи-лиги мактаби” каби дастурлар орқали янги авлод сёсий фаол хотин-қизларини тайёр-лаш жараёни бошланди. Албатта, опа-син-гилларимизнинг сёсий фаолиятдаги барқа-рорлиги иқтисодий фаоллик билан чамбар-час боғлиқ. Аёллар иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этар экан, бу нафақат оилавий фар-воронлиқни, балки давлат иқтисодиётининг ўсиш салоҳиятини ҳам оширади.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари доираси-даги фаоллиги халқаро ҳамжамят томони-дан ижобий баҳоланмоқда. 2023 йилги БМТ ҳисоботларида Ўзбекистон гендер тенгликни таъминлаш бўйича илгарилаб борган мамла-катлар қаторида тилга олинди. Бу кўрсат-ки мамлакат ташқи сёбатисида ҳам муҳим сёсий капитал вазифасини бажармоқда, чунки гендер тенглик халқаро ҳамкорликда ишонч ва очкичлик мезони сифатида қабул қилинади.

Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конфе-ренцияси 43-сессияси доирасида бўлиб ўтган ЮНЕСКО ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўми-таси томонидан ташкиллаштирилган “Кўп то-монлама ҳамкорлик орқали гендер тенглиги-ни ривожлантириш” мавзусидаги махсус сайд-ивент бунинг аққол исботидир.

Мазкур форум дунё микёсида ва ЮНЕСКО мандатига қирувчи йўналишларда — таълим, фан, маданият, коммуникация ва ахборот со-ҳаларида гендер тенгликни таъминлаш бўйи-ча амалга оширилаётган ташаббусларни му-ҳокама қилиш ва оммалаштиришга қаратил-гани билан аҳамиятли бўлди.

Тадбирнинг асосий мақсади — гендер

тенгликни илгари суриш йўлида самарали ме-ханизмларни очиқ ва инклюзив муҳокама қилиш, амалий тажриба ва илгор амалиёт-ларни ўзаро ўртоқлашиш, шунингдек, келгу-сидаги қўшма ташаббуслар учун янги ҳам-корлик форматларини белгилашдан иборат бўлди. Унда гендер тенглик ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кен-гайтириш барқарор ривожланишнинг узвий ва ажралмас таркибий қисми экани таъкидланди. Шу билан бира мазкур йўналишдаги ҳаракат-лар “хеч қимми ортда қолдирмаслик” тамойили-ни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши яна бир бор эътироф қилинди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг етакчилик қобилиятларини рағбатлантириш, таълим, илм-фан ва технология соҳаларида тенг им-кониятлар яратиш ҳамда аҳолининг барча қатлами учун инклюзив ривожланиш муҳи-тини таъминлаш каби устувор вазифаларга алоҳида урғу берилди.

Мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сёсий фаоллиги ва иқтисодий мустақилли-гини қулайтириш миллий тараққиётнинг асосий йўналиши сифатида қаралиши бе-жиз эмас. Ушбу ёндашув бугунги кунда юр-тимизнинг миллий модернизация дастура-рига, жумладан, рақамли иқтисодиётни ри-вожлантириш, инсон капитали салоҳиятини ошириш ҳамда ижтимоий адолат, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги давлат сёбатсининг ажралмас қисмига айланган.

Шу маънода айтганда, Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг фаол ва ишончли аъзоси сифатида гендер тенгликни таъминлаш, хо-тин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳаётнинг барча жабҳасида илгари суриш ҳамда уларнинг тўлақонли иштироки учун қўлай шароит яратиш йўлида изчил ва мустаҳкам пози-цияни эгаллаб келмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон дунё ҳамжамя-тида ташаббускор, халқчил ғоялар драйве-ри, ҳаётий тамойилларга асосланган тақлиф ва тавсияларни илгари сурувчи ишончли ҳам-корга айланди. Эндиликда ЮНЕСКО Бош кон-ференцияси 43-сессиясида хотин-қизларга оид илгари сурилган масалалар, шубҳасиз, ҳамкорлиқни янги стратегик босқичга қў-таришга хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистон ЮНЕСКО билан барқарор ривожланиш, инк-люзив таълим, ахборот эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни таъминлаш йўналишларидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳ-камлашдан манфаатдор.

Гулрўх АГАЗАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Демократик институтлар ва фуқаролик
жамиятини ривожлантириш масалалари
қўмитаси раиси.

ИНСОНПАРВАРЛИК – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ МАЪНАВИЙ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида беқарорлик, мураккаб геосиёсий жараёнлар, кескинлик ва иқтисодий инқирозлар қулайиб бораётган бир шароитда фаол ташқи сёбат юритиш орқали халқаро майдонда миллий манфаатларни самарали илгари суриш муҳим аҳамиятга эга. Айни жараёнларда муллока янги мазмун касб этаётган Ўзбекистоннинг фаол ва прагматик ташқи сёбатси туфайли мамлакатимиз жаҳон сёбатсининг марказларидан бирига, глобал ташаббуслар муаллифига айланиб бормоқда. Бунда мамлакат парламенти ҳам фаол иштирок этяпти. Хусусан, йирик халқаро парламент тузилмаларининг тўлақонли аъзоси сифатида нуфузли анжуманлар ўтказиб, уларда қатнашиб муҳим тақлиф ва ташаббусларни илгари сузмоқда.

Мулоҳаза

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ички ва ташқи сёбатсини ўзида ифода этган бундай ташаббуслар дунё ҳамжа-мияти томонидан эътироф қилинмоқда.

Шу йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ-нинг 150-йўбилей ассамблеяси ўтказил-ган эди. Ушбу халқаро анжуман кўпга-на глобал муаммоларни қамраб олган билан тарихий аҳамият касб этди, дейиш мумкин. Ассамблеянинг бирин-чи марта Марказий Осиёда ўтказили-ши минтақада парламент дипломатия-си учун янги имкониятлар эшигини очди. Унинг мавзуси ва фокуси ижти-моий адолат, тенглик, ёшлар ва аёл-лар иштирокчини қулайтириш каби гло-бал муаммоларга бағишланган бўлиб, у парламентларга фақат қонун чиқа-рувчи орган сифатида эмас, балки жа-миятдаги ижтимоий ўзгаришларга фаол таъсир этадиган институтлар сифати-да қаралаётганини кўрсатади.

150-ассамблея тадбирларининг бар-ча иштирокчилар ва халқаро эксперт-лар томонидан бир овоздан юқори да-ражада эътироф этилишининг сабаби унинг Ўзбекистонда ўтказилгани ёки ўзбекона меҳмоннавозлик учун эмас, балки унда бутун дунё халқлари тақ-дирига дахлдор масалалар кўтарилган-ни ҳамда юқори даражадаги ташкилот-чилик билан изоҳланади. Мамлакатнинг сёсий ва парламент соҳасидаги ри-вожланиши халқаро майдонда намён ётилганидан далолат беради. Қолавер-са, анжуман якунида Тошкент декла-рацияси каби муҳим ҳужжатнинг қабул қилингани ҳам унинг нуфузини янада оширди.

дирмаслик кераклигига эътибор қар-атилгани таҳлилчилар томонидан ало-ҳида эътироф этилди.

Шу йилнинг 19 — 21 октябрь кунла-ри эса Швейцариянинг Женева шаҳ-рида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 40-Парламент аёл аъзо-лари форуми ва Парламентлараро Иттифоқнинг 151-ассамблеясида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Парламентлараро Иттифоқ Аёл пар-ламентарийлари бюроси президенти Синтия Лопес Кастро 40-сессиядаги нутқида Тошкент шаҳрида Парламент-лараро Иттифоқнинг 150-йўбилей ас-самблеяси доирасида Парламент аёл аъзолари форумининг 39-сессияси юксак даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирди.

151-ассамблеяда Ўзбекистоннинг иштироки унинг халқаро парламент дипломатиясидаги фаоллигини яна бир бор намён этди. Тошкентдаги 150-саммитга мезбонлик қилганидан кейин иштирокчи мамлакат сифатида ўз ташаббусларини тақдим этиб, “фаол шерик” мақомини ўзида сақлаб қолди. Бу эса Ўзбекистон парламент ва ташқи сёбатси йўналишидаги гуманитар ёрдам, инсон ҳуқуқлари, парламентлараро ҳамкорлик каби исталган глобал масалаларда самарали иштирок этишини кўрсатади.

Хусусан, Ўзбекистон томонидан бошланган “Гендер тенглигига эришиш: ҳаракат кетидан ҳаракат” шiori остида 10 та ҳаракатдан ибор-рат янги кампанияни таъкидлар экан, барча иштирокчиларни гендер тенгли-гини илгари суришга қаратилган ушбу кампанияга қўшилишга ва уни ўз мам-лакатларида бошқаришга қакирди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон делегацияси раҳбари, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева фо-рум иштирокчиларини мамлакатнинг ижтимоий сёбатсини амалга ошириш, қонунчилиқни тақомиллаштириш, ген-дер тенглигини таъминлаш ва ҳаётнинг барча соҳаларида аёлларнинг ишти-роқини кенгайтириш бўйича олиб бо-раётган сазй-ҳаракатлари билан та-ништирди.

Форум сессияларида иштирокчилар аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сёсий иштирокини қулайитириш, ген-

дер тенглигини таъминлаш ва кам-ситишларни бартараф этиш масалала-рини муҳокама қилди. Барча даража-ларда, жумладан, қонунчилик ва жа-моат ташаббусларида аёлларга қарор қабул қилишда вақолат бериш страте-гиялари, шунингдек, гендер сёбатси самарадорлигини ошириш учун турли мамлакатлар парламентлари ўртасида тажриба алмашиш кўриб чиқилди.

Парламентлараро Иттифоқ 151-ас-самблеясининг “Инқироз шароитида инсонпарварлик мезёрларига риоя қилиш ва инсонпарварлик ҳаракатла-рини қўллаб-қувватлаш” мавзусидаги ялпи мажлисида ҳам сўзга чиққан Сенат Раиси дунёда кечаётган турли низолар, инқирозлар ва гуманитар тах-дидлар миллионлаб инсонларнинг ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрса-таётганини айтиб ўтди. Бундай ша-

роитда парламентлар инсонпарварлик тамойилларини илгари суриши ва ин-сон ҳаётини асрашда ҳал қилувчи роль ўйнаши зарурлигини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг инсон-парварлик соҳасидаги ташаббуслари илгари сурилди. Ҳозирги кунда дунё бўйлаб 120 дан зиёд қуролли тўқна-шувлар натижасида 310 миллионга яқин инсонларнинг ёрдамга муҳтож бўлиб тургани инсонпарварлик меъёр-ларига риоя қилиш масаласини янада долзарб вазифага айлантираётгани таъкидланди.

Ўзбекистон халқаро инсонпарвар-лик ҳаракатларида фаол иштирок этиб, нотинч минтақалардаги муҳ-тож аҳолига, тиббий хизмат ва иж-тимоий кўмак кўрсатиш, тақдир та-қозоси билан бундай ҳудудларга бориб қолган, қуролли тўқнашувлар бўлаётган жойларда қолиб кетган

Акс садо

Жаҳон саммитида Ўзбекистон етакчиликлнинг ёрқин намунасини намоёиш этди

Мехнат мигрантларини ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашишни бандлиги дастурларига интеграциялашга қаратилаётган эътиборни юқори баҳолайман. Бу Ўзбекистоннинг одамлар ва табиат бир бутун деб ҳисобланган инклюзив ва масъулиятли ривожланишни доимий равишда қўллаб-қувватлашини тасдиқлайди.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи гуманитар етакчиликлнинг ёрқин намунаси ва глобал ҳамкорликлнинг янги фалсафаси — инсоният, унинг шаъни ва кадр-қиммати йўлида ҳамкорликини акс эттирди. Ишончим комилки, билдирилган ташаббуслар сайёраимизда ижтимоий адолат ва барқарор ривожланишни мустақамлаш учун муҳим пойдевор яратлади.

Альберт ТАМ, Цзянь молия ва иқтисодиёт университети профессори (Хитой):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Доҳада бўлиб ўтган саммитдаги нутқини вазмин, конструктив ва стратегик жиҳатдан пухта ўйланган дастур дея баҳолайман. Давлатингиз раҳбари ўз нутқида миллий ютуқларни намоёиш этиш билан бир қаторда, глобал ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, камбағаллик даражасининг 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқаргани ҳақидаги аниқ рақамлар мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар жиддий ва самарадор эканини тасдиқлайди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилиши эса ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тизимли ёндашув мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти илгари сурган ташаббуслар кенг қамровли ва долзарб бўлиб, замонавий дунё олдига турган асосий муаммоларни қамраб олди. Хусусан, Глобал ижтимоий адолат фондини ташкил этиш бўйича таклиф ўз вақтида билдирилган бўлиб, жаҳон миқёсида камбағалликка қарши курашни институционал асосда йўлга қўйишга қаратилган.

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган Оролбўйи минтақаси учун экологик муаммоларни ижтимоий-иқтисодий раванқ билан боғлайдиган, барқарор ривожланиш тамойилларига мос келадиган янги тараққиёт моделини таъкидлаш жуда муҳим.

Мазкур нутқ Ўзбекистоннинг жаҳон сахнасидаги ўрнини минтақавий, глобал даражада мустақамлашга қаратилган муҳим кадам бўлди. Доҳа декларациясини фаол қўллаб-қувватлаш эса мамлакатнинг халқаро ҳамкорликка садоқатини яққол намоён этди.

Муҳаммад ТАЛЪАТ, «Ал-Жумхурия» наشري бош муҳаррири ўринбосари (Миср):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қатар Давлатига амалга оширган ташрифи икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликини мустақамлаш йўлидаги муҳим қадамдир. Ушбу ташриф нафақат Ўзбекистон — Қатар муносабатлари учун янги уфқларни очди, балки ўзаро ҳурмат, ишонч ва умумий манфаатларга содиқликка асосланган конструктив дипломатиянинг ёрқин намунасига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Доҳада бўлиб ўтган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитида қатнашини Ўзбекистоннинг глобал жараёнларда масъулиятли ва фаол иштирокчи сифатидаги ўсиб бораётган ролин намоёиш этди.

Ўзбекистон етакчисининг Ижтимоий адолат учун глобал фондини яратиш ва меҳнат мигрантларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган ташаббуслари кенг халқаро қўллаб-қувватлашга лойиқ, чунки улар адолатли, инклюзив ва барқарор дунёни қуришга содиқликни акс эттирди.

Ўзбекистон Президенти ва Қатар Амири ўртасидаги учрашув алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу мулоқот инвестициялар, “яшил” энергия, транспорт, туризм ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлики янада кенгайтириш учун мустақам пойдевор яратди. Икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажмининг 45 фоизга ўсиши ўзаро қизиқиш ва ишончни намоёиш этди, маданий ва гуманитар алоқалар эса тобора мустақамланиб бормоқда.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Президентининг Қатарга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихида янги босқични бошлаб беради, халқларини умумий фаровонликка яқинлаштиради. Ахир бундай ташрифлар Шарқий ва Марказий Осиё ўртасидаги дўстлик кўприкларини мустақамлайди, бутун дунёда тинчлик, тараққиёт ва ижтимоий адолатни тарғиб қилади.

Хумоюн ХОН, халқаро муносабатлар бўйича эксперт (Покистон):

— Ўзбекистон етакчисининг Қатарга ташрифи ва Доҳада бўлиб ўтган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитида иштирок этиши расмий Тошкентнинг халқаро мавқеини мустақамлаган муҳим воқеалар бўлди.

Ўзбекистон раҳбарининг ижтимоий адолат, тенг имкониятлар ва инсон кадр-қиммати масалаларига бағишланган нутқи кенг қизиқиш уйғотди ва форум иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди.

Президент Шавкат Мирзиёев саммитда ижтимоий сиёсат ва халқаро ҳамкорлик бўйича стратегик қарашларини акс эттирувчи қатор ташаббусларни илгари сурди. Ижтимоий масъулият ва муносиб меҳнат бўйича глобал ташаббусни ишлаб чиқиш ҳақидаги таклифи бандлик ва технологик ўзгаришларнинг замонавий муаммоларига жавоб бўлади.

Алоҳида эътибор барқарор ривожланишнинг асосий омил сифатида таълимга бағишланган эди.

Президент келажакдаги саммитни Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилди, унда таълим кун тартибининг марказий мавзуси сифатида қаралди. Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган Тошкентда меҳнат мигрантларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича халқаро форумни ташкил этиш ташаббуси катта қизиқиш уйғотди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Доҳадаги нутқи Янги Ўзбекистоннинг одамлар, ижтимоий адолат ва халқаро бирдамликка қаратилган янги ташқи сиёсат фалсафасини акс эттирди. Эълон қилинган ташаббуслар Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга ва умумий манфаатлар йўлида глобал ҳамкорликини мустақамлашга амалий ҳисса бўлиб қўшилади.

Ран ШАНЬЧУАН, «Жэньминь хуабao» наشري муҳаррири (Хитой):

— Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Доҳада бўлиб ўтган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитидаги нутқини диққат билан ўқиб чиқдим.

Янги Ўзбекистонда ислохотлар “Инсон қадрини учун” тамойилига асосланиб амалга оширилмоқда, ижтимоий адолат таъминланмоқда ва муҳтожларга самарали ҳимоя кўрсатишмоқда. Янги тахрирдаги Конституция бу йўлда қатъий позицияни мустақамлаб, мамлакатнинг ижтимоий давлат мақомини эълон қилди.

Илгари турлича бўлган ижтимоий ҳимоя дастурлари ягона тизимга — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолиятида бирлаштирилди. Янги ижтимоий ҳимоя модели жамиятнинг бошланғич даражаси — маҳалладан тортиб, ҳар бир уй ва ҳар бир оиллагача бўлган барчани қамраб олади.

Мен Ўзбекистон етакчисининг Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитидаги иштироки, шубҳасиз, республиканнинг Яқин Шарқ мамлакатлари билан ўзаро тушуниш ва ишончини ривожлантиришга қаратилган изчил ташқи сиёсатининг мантаний давоми бўлишига, шунингдек, икки халқнинг барқарор ривожланиши ва фаровонлиги йўлида расмий Тошкент ва Доҳа ўртасида кенг қамровли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун янги истиқболларни очишига ишонаман.

«Дунё» АА.

Янги ижтимоий фалсафа ифодаси

Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитида кўтарилган мавзулар Ўзбекистон учун янгилик эмас. Чунки мамлакатимизда бир неча йилдан буён ижтимоий давлат ва уни барпо этиш йўлида самарали ишлар олиб борилмоқда. Айтиш мумкинки, мазкур саммитда давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар қизгин қўллаб-қувватлангани мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсат модели халқаро миқёсда эътироф этилаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, Президентимиз нутқида айтилган “Инсон қадрини учун” тамойили юртимизда олиб борилаётган янги тараққиёт сиёсатининг марказида туради. Сўнгги йилларда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, муносиб меҳнат ҳамда замонавий таълим имкониятларини кенгайтириш борасида муҳим натижаларга эришилди ва бу жараён давом этмоқда.

Кейинги пайтларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳам аҳолининг камбағал қатламлари масаласи тез-тез тилга

олинадиган бўлиб қолди. Бу эса камбағалликка қарши курашда халқаро ҳамкорликини янги босқичга олиб чиқиш заруратини юзага чиқаради. Шу нуктаи назардан Президентимиз илгари сурган Глобал ижтимоий адолат фондини ташкил этиш ҳамда ижтимоий масъулият ва муносиб меҳнат бўйича глобал ташаббусни ишлаб чиқиш ҳақидаги таклифлари ижтимоий тенглик, адолат ва бирдамлик тамойилларини мустақамлашда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилишга доир халқаро форумни Тошкентда ўтказиш ташаб-

буси миллионлаб ватандошларимиз ва бошқа давлат фуқаролари учун адолатли меҳнат муҳити ҳамда ижтимоий ҳафсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг эътиборида бўлган яна бир долзарб масала — иқлим ўзгаришларининг ижтимоий оқибатларига қарши курашиш. Чунки дунёнинг исталган мамлакатида бунинг салбий оқибатларини кўриш мумкин. Бу эса ана шундай жараёнда ҳамжихат бўлиб, мазкур глобал муаммога қарши курашиш лозимлигини билдиради. Ҳеч қачон битта минтақада рўй бераётган экологик бўҳронлар иккинчи минтақага таъсир қилмасдан қолмайди. Ўзбекистоннинг бу борадаги фаол саяҳатлари ҳам аллақачон дунё ҳамжамияти томонидан бир овоздан эътироф этилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияси билан экологик инновациялар ва технологиялар

худуди, деб эълон қилинган Оролбўйи минтақасида Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги модели ишга туширилиши нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга тажриба бўлиб, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам муҳим амалий ечимларни таклиф этади.

Жаҳоннинг нуфузли минбарларидан илгари сурилган ташаббуслар бугунги глобал қаҳирларга жавоб берувчи, инсон манфаатларини марказга қўйган янги ижтимоий фалсафанинг ифодасидир. Доҳа саммити миллий стратегияларимизни жаҳон андозаларига мослаштириш ҳамда инсон манфаатларини таъминлаш йўлидаги саяҳатларимизни янада жадаллаштириш имконини беради.

Сайёра АБДИКАРИМОВА, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.



Ҳасан ПайДОВ олон сурат.

Замонавий ўзгаришларга ҳамоҳанг ислохотлар

“Инсон қадрини учун” деган устувор тамойил асосида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, маҳалла институтининг ноёб тажрибаси, аёллар, ёшлар ва эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, дунёдаги йирик форумларда фаол иштирок этиш мамлакатнинг ижтимоий адолат тамойилларига содиқлигини, барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) амал қилишини кўрсатади.

Доҳада бўлиб ўтган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитида Ўзбекистон ўзининг илғор лойиҳалари ва ютуқларини тақдим қилди, миллий ютуқларга ғурур билан ёндашишни ва ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳимояси қафолатланганини намоён этди.

Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида қатор таклифларни илгари сурди. Камбағалликка қарши ва ижтимоий тенгсизликни камайтиришда ривожланаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш учун Глобал ижтимоий адолат фондини таъсис этиш, рақамли трансформация ва автоматизация шароитида ижтимоий масъулият ва муносиб меҳнат бўйича глобал ташаббусни ишлаб чиқиш, оқлик ва қашшоқликка қарши кураш бўйича Глобал альянсининг келгуси саммитларидан бирини Ўзбекистонда ўтказиш ва таълим масаласини асосий кун тартиби сифатида белгилаш шулар жумласидан. Келгуси йили халқаро меҳнат ва миграция ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистонда Мигрантлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича халқаро форум ўтказиш, экологик инновациялар ва иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини қамраб олган Оролбўйи минтақасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделини йўлга қўйиш ташаббуслари билдирилгани эътиборга молик. Айтиш мумкинки, бу таклифлар ижтимоий соҳада халқаро ҳамкорликка янги йўналишлар очади.

Шу ўриндан қайд этиш жоизки, мамлакатимизда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида камбағалликни камайтириш, бандликни қўллаб-қувватлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар рўйбга чиқарилмоқда. Жумладан, 2,5 миллиондан ортиқ оилалар давлат ёрдами турларини олмақда, камбағаллик даражаси 2018 йилги 11,5 фоиздан 2024 йилда 7,8 фоиз тушди, ўртача ойлик маош 17,4 фоиз ўсди. Яқин икки маҳсулот 7,2 фоизга ошди, бу эса иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, бугун маҳалла институти — жамиятнинг ижтимоий сугуртаси ва ишонтирувчи бўғини сифатида тобора мустақам ўрин эгаллаштирди. Унинг фаолияти аҳоли билан тўғридан-тўғри боғланишни таъминлаб, ҳаёт

Дурбек АҲМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ўзаро алоқалар юқори босқичга кўтарилмоқда

Ўзбекистон ва Қатар кўп қиррали икки томонлама ҳамкорлики янада ривожлантириш учун салмоқли салоҳиятга эга. Кейинги йилларда ўзаро муносабатлар барча йўналишда жадал ривожланиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамид Ол Сонийнинг таклифига биноан ушбу мамлакатга амалий ташрифи муҳим воқеа бўлиб, икки томонлама муносабатларини янада ривожлантиришда янги саҳифа очди ва халқларимиз фаровонлиги йўлида кўп қиррали ҳамкорлики янада кенгайтиришда туб бурилиш ясади.

Бинобарин, ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Доҳа шаҳрида ўтказилган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитида иштирок этиб, ўз нутқида глобал ижтимоий адолат ва барқарор тараққиётни мустақамлашга қаратилган қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, бугунги кунда дунёда 1 миллиард 100 миллион аҳоли камбағалликда умр кечириётгани, ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий дастурларига ресурсларни кенг жалб этиш мақсадида камбағалликка қарши курашишнинг янги молиявий архитектурасини яратиш вақти келгани ургуланди. Бу борада ижтимоий тенгсизликни камайтириш, камбағалликни қисқартиришга амалий ёрдам берадиган Глобал ижтимоий адолат фондини таъсис этиш таклиф қилинган алоҳида аҳамиятга эга.

Бу жаҳон миқёсидаги камбағаллик, тенгсизлик ва ижтимоий адолатсизлик каби муаммоларни бартараф этишга қаратилган муҳим ташаббус бўлиб, ушбу фонднинг асосий мақсади — турли давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда жамиятнинг фаол қатламларини ижтимоий тенгликни таъминлаш йўлида бирлаштириш.

Бу гога Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатини жаҳон ҳамжамиятидаги адолат, инсонпарварлик ва ҳамжихатлик тамойиллари билан уйғунлаштиради. Жаҳонда ижтимоий тенгсизлик чуқурлашиб бораётган бир пайтда, бу ташаббус мамлакатимизни глобал муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирокчи сифатида намоён этади.

Глобал ижтимоий адолат фонди бу шунчаки молиявий институт эмас, балки инсонпарвар гога асосланган, тенглик ва адолатни таъминлашга қаратилган халқаро ҳаракат маркази бўлиб хизмат қилиши мумкин. Президентимизнинг бу ташаббуси Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ижтимоий масъулияти ва адолатпарвар давлат сифатидаги нуфузини янада мустақамлайди.

Яна бир муҳим масала. Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини тизимли ҳимоя қилиш заруратини ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда дунёда 300 миллиондан ортиқ мигрантлар ўзга юртларда меҳнат қиляпти. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар учраётганини бу борада зарур чоралар қуришни тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг келгуси йили халқаро меҳнат ва миграция ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистонда Мигрантлар ҳамда уларнинг оилаларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича халқаро форум ўтказиш ҳамда Глобал дастур қабул қилиш таклифи жуда муҳим ва долзарб ташаббусдир. Ушбу ташаббуснинг асосий мақсади — меҳнат мигрантлари, уларнинг оилалари ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги имкониятларини кенгайтиришдан иборат бўлиб, у инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва миграция жараёнларини адолатли, ҳавфсиз ҳамда қонуний асосда ташкил этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур форумнинг ўтказилиши мамлакатимизнинг халқаро нуфузини ошириш билан бирга, бошқа давлатлар билан тажриба алмашиш имконини ҳам беради. Энг муҳими, бу мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича умумий халқаро механизмларни такомиллаштиришга ҳисса қўшади. Глобал дастур эса бу фақат Ўзбекистон учун эмас, балки бутун минтақадаги (Марказий Осиё ва бошқа давлатлардаги) меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Бу мигрантлар, уларнинг оилалари, шунингдек, жамият учун ҳам катта ижтимоий-иқтисодий фойда келтиради.

Ушбу ташриф икки давлат ўртасидаги муносабатларда олдинга ташланган дадил қадам бўлди. Бу, ўз навбатида, давлатларимиз ҳамкорлиги тарихида янги саҳифа очиб қилинган бўлиб, Тошкент ва Доҳа ўртасида ҳар томонлама, ўзаро манфаатли ҳамкорлики янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Наргиза САЛОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

«САМАРҚАНД РУҲИ»

ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ МУНДАРИЖАСИНИ БЕЛГИЛАМОҚДА

Жаҳон ҳамжамияти бугун турли глобал муаммолар, жумладан, иқлим ўзгариши, радикализм, пандемиялар, ахборот урушлари каби жиддий таҳдидларга дуч келмоқда. Бундай шaroитда халқаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, умумий мақсадлар йўлида бирлашиш ва муштарак ечимларни топиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мана шундай мураккаб даврда ЮНЕСКО Бош конференцияси сессияси Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий маркази бўлмиш Самарқандда ўтказилиши бутун дунёга янги умид бағишлади. Бу, аввало, халқаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Нуктаи назар

Билим ва ҳикмат — инсоннинг зийнати

Айни кунларда дунёнинг турли бурчақларидан фан, таълим, маданият соҳалари намояндалари, сиёсатчилар, олимлар, эксперт ва мутахассислар Самарқандда жамланиб, инсониятни ташвишга солаётган долзарб масалаларни муҳокама этмоқда. Бу учрашувлар нафақат фикр алмашиш, балки янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва муштарак ечимларни топиш учун замин яратмоқда. Зеро, глобал тинчлик, барқарорлик ҳамда тараққиёт сари қўйиладиган ҳар бир қадам, мана шундай мулоқот ва ҳамкорлик натижасида амалга ошади.

Нуфузли халқаро тадбирга мезбонлик қилиш Ўзбекистон учун улкан шараф ва масъулиятдир. Бу мамлакатимизнинг жаҳон аренасидаги обрў-эътиборини ошириш, унинг халқаро майдондаги фаоллигини янада кучайтиришга хизмат қилади. Ўзбекистонга инсониятнинг энг муҳим муаммоларига ечим топиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини, шунингдек, таълим, маданият, фан ва экология соҳаларида амалга ошираётган ислохотларини дунёга намойиш этиш учун имконият яратди. Мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва туризмин янада ривожлантиришига ҳам туртки беради.

Анжуманинг тантанали очилиш маросимида ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси раиси Хондкер Мухаммад Талха ўз нутқида буюк ўзбек шоири, мутафаккири Алишер Навоийнинг тегран маъноли мисраларини келтирди: “Билим ва ҳикмат — инсоннинг зийнатидир”. Сессия раиси бу сўзларни шунчаки тарихий иқтибос сифатида эслаб ўтмади. Ушбу ҳикматни бугунги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли билан боғлаб, шундай деди: “Бу сўзлар Ўзбекистон Президентининг йўлини — таълим, фан, мерос, жамиятга хизмат қилиш ва умумий фаровонликка бағишланган йўлни жуда яхши акс эттиради”. Иқтибоснинг аҳамияти шундаки, у ЮНЕСКОнинг асосий миссияси — тинчликни таълим, фан ва маданият орқали мустаҳкамлаш гоёларига тулик мос тушади.

Алишер Навоийнинг бундан олти аср аввал айтган сўзлари бугунги кунда Ўзбекистоннинг миллий стратегиясининг асосига айланган. Хондкер Мухаммад Талханинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг таълим, фан ва мада-



ний меросга бўлган эътибори ЮНЕСКОнинг глобал мақсадлари билан уйғундир. Бу уйғунлик таълим ва илмга эътиборда намоён бўлади.

Улуғ шоир бобомиз нақл қилганидек, инсонга билим ва ҳикмат зийнат бўлиши керак. Ўзбекистоннинг таълим тизимидаги ислохотлари, илмий тадқиқот марказларини қўллаб-қувватлаши айнан шу гоёга асосланган. ЮНЕСКОнинг мақсади — барча учун тенг имкониятлар яратиш ва инсон капиталини ривожлантириш. Ўзбекистоннинг ҳам ислохотлар йўли жамиятнинг ҳар бир аъзоси фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Мазкур нуфузли анжуманинг қирқ йиллик танаффусдан сўнг илк бор Париждан ташқарида ўтказилиши шунчаки тарихий воқеа эмас, бу цивилизациялар мулоқоти, ўзаро ҳурмат ва умумий келажак учун ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг ёрқин намунасидир.

Эзгулик тамойилларига содиқлик ифодаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ЮНЕСКОнинг юксак минбарида сўзлаган нутқи Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик сиёсати, унинг эзгулик ва инсонларварлик тамойилларига содиқлигини яна бир бор намоён этган дастурий ҳужжат бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида уйғунлик қўприғи бўлишга ҳамиша тайёр эканини таъкидлади. Бу шунчаки чиройли ташбеҳ эмас, балки сўнгги йилларда амалга оширилаётган изчил ҳамкорлиқнинг амалий натижаларига асосланган қатъий позициядир.

ЮНЕСКО билан биргаликда Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фароний, Амир Темур сингари буюк аждодларимиз юбилейларининг халқаро миқёсда нишонланиши, Зарафшон — Қорақум йўлагининг Умумжаҳон мероси рўйха-



тига киритилиши, “Шашмақом”, “Лазги”, бахшичилик санъати каби йигирмага яқин номоддий мерос намуналарининг дунё миқёсида эътироф этилиши — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ўзини глобал маданий маконда фаол иштирокчи сифатида намоён этаётганидан далolat беради.

Нутқда бешта стратегик йўналишда аниқ ва пухта ўйланган тақлифлар илгари сурилди. Биринчи ва энг асосий йўналиш таълим соҳасини қамраб олади. Президентимиз жисмоний ва ижтимоий хусусиятларидан қатъи назар, ҳар бир болага таълим олиш учун тенг имконият яратиш муҳимлигини алоҳида қайд этди. Шу мақсадда ЮНЕСКОнинг алоҳида эҳтиёжли болалар учун Инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини жорий қилиш, Жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш ва энг муҳими, сўнгий интеллектуал таълим тизимига кенг таъбиқ этишга қаратилган “Сунъий интеллект — мактаб” намунавий лойиҳасини амалга ошириш ташаббуслари билдирилди. Бу тақлифлар Ўзбекистоннинг келажак авлоди кreative фикрлайдиган ва замонавий билимлар билан қуролланган инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги устувор мақсадларига тўла мос келади.

Иккинчи муҳим тақлифлар туркуми инсониятнинг бебаҳо хазинаси бўлган ҳужжатли ва номоддий меросни асраб-авайлашга қаратилди. Давлатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантириш, ушбу дастур яратилган сана — 19 ноябрни “Ҳужжатли мерос халқаро кунини” деб эълон қилиш ва Рақамли мерос бўйича халқаро институтни ташкил этиш гоёларини ўртага ташлади. Бу ташаббуслар рақамли асрда тарихий хотирани сақлаш, халқ оғзаси ижодиёти, нодир қўлёзма ва архивларни келажак авлодларга безавол етказишдек олийжаноб вазифага хизмат қилади. Бухоронинг ЮНЕСКО Ижодкор шаҳарлар тармоғи аъзоси сифатида 2027 йилда халқаро конгресси қабул қилишга тайёрлиги ҳам Ўзбекистоннинг бу борадаги фаоллигини кўрсатади.

Нутқда учинчи йўналиш сифатида гендер тенглиги масаласи глобал кун тартибининг ажралмас қисми сифатида алоҳида ўрин эгаллади. Давлатимиз раҳбари ЮНЕСКО статистикасига таяниб, илм-фан, маданият ва таълим со-

ҳаларида аёлларнинг етакчилик ўрни ҳануз паст эканини афсус билан қайд этди. Айнан шу тенгсизлиқни бартараф қилиш мақсадида илғор тажрибани ўрганиш учун Хотун-қизлар етакчилиги бўйича ЮНЕСКО академиясини ташкил этиш ва Самарқандда барча қитъаларнинг таниқли тадқиқотчи, санъаткор ва иxtiroчи аёллари иштирокида Глобал форум ўтказиш тақлифи илгари сурилди. Бу хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга қаратилган ўта муҳим ва ўз вақтида билдирилган ташаббусдир.

Икким инқирози ва унинг маданий меросга таъсири нутқнинг тўртинчи муҳим йўналишини белгилаб берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев “яшил” дастурларни муваффақиятли таъбиқ этаётган шаҳарларни рағбатлантириш учун “ЮНЕСКОнинг Экологик пойтахти” глобал ташаббусини илгари сурди. Шунингдек, иқлим ўзгаришлари шaroитида маданий меросни асраб-авайлаш бўйича махсус резолюция ишлаб чиқиш ва бу масалани Хива шаҳрида халқаро симпозиумда муҳокама қилиш тақлифини билдирди. Бу тақлифлар Ўзбекистоннинг нафақат ўз ҳудудидаги, балки бутун сайёрамиздаги тарихий обидалар тақдири учун юксак масъулият ҳис этаётганини намоён қилади.

Бешинчидан, рақамли макондаги таҳдидлар — ноҳолис ахборот, манипуляция ва дискриминацияга қарши биргаликда курашиш зарурлиги таъкидланди. Бунга жавобан Болалар маданий контенти халқаро фестивалини ўтказиш ва Медиа саводхонлиқни ривожлантириш бўйича ЮНЕСКОнинг кенг

қамровли стратегиясини ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Нутқ сўнггида динлараро зиддиятлар кучаяётган ҳозирги шaroитда ислом маданияти ва маърифатини тараннум қилиш орқали радикализм ҳамда исломофобияга қарши курашиш гоёси ўртага ташланди ва бу борада Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби илмий-тадқиқот марказлари салоҳиятидан биргаликда фойдаланиш қақриғи янгради.

Самарқанд халқаро ҳамжиҳатлик пойдеворини яратувчи маконга айланмоқда

Давлатимиз раҳбарининг ЮНЕСКО минбаридagi нутқи — бу шунчаки тақлифлар мажмуи эмас. Бу таълим, маданият, илм-фан ва инсонларварлик гоёлари орқали тинчлик ва барқарор тараққиётга эришиш мумкинлигига бўлган мустаҳкам ишончнинг ифодасидир. “Самарқанд руҳи” дея эътироф этилган ушбу ташаббуслар, ҳеч шубҳасиз, глобал ҳамкорлиқнинг янги уфқларини очишга, инсониятни умумий мақсадлар сари янада жипслаштиришга хизмат қилади.

Кувонарлиси, Самарқанд эндиликда фақат ўтмишнинг буюклигини эслатувчи шаҳар эмас, балки Алишер Навоийнинг “билим ва ҳикмат” гоёларини замонавий дунёга таъбиқ қилувчи, глобал жараёнларда фаол иштирок этувчи, тинчлик ва тараққиёт йўлида халқаро ҳамжиҳатлик пойдеворини яратувчи макон сифатида ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Бу анжуман Ўзбекистон келажакка бунёдкорлик билан қадам ташлаётганининг ёрқин исботи бўлди. Бир пайтлар соҳибқирон Амир Темур Самарқандни куч ва қудрат билан дунё марказларидан бирига айлантирган бўлса, Президент Шавкат Мирзиёев қатъий иродаси, оқилона сиёсати билан жаҳон дипломатиясининг энг улуг манзилларидан бири бўлишига эришмоқда.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси глобал муаммоларга биргаликда ечим топиш йўлидаги инсониятнинг навбатдаги муҳим қадами бўлади. Бу тадбир Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги маъкеини ошириш билан бирга, Самарқанднинг нафақат маданий, балки сиёсий ва интеллектуал марказ сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди. Келажакка бунёдкорлик билан қаровчи Ўзбекистон буюк тарихдан қувват олиб, бутун инсониятнинг фаровонлиги ва тараққиётига муҳим ҳисса қўшаверади.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
Андижон давлат педагогика институти ректори,
тарих фанлари доктори, профессор.

Интилиш

«IT-Park» — иқтидорли ёшлар маскани

Рақамли хизматлар қўламини ошириш ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш мақсадида “IT-Park” Фарғона вилояти бўлимининг Кўкон филиали ташкил этилди. Бу масканда ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида ибратли ишлар олиб бoрилмоқда.

— Илғор андозалар асосида фаолият кўрсатувчи марказда ўқиган йигит-қизлар юртимиздаги хорижий компаниялар офисларига, шу билан бирга, дунёнинг бренд корхоналарига ишга жойлаштирилади, — дейди “IT-Park” Кўкон филиали лойиҳа менежери Алишер Алланазаров. — Айни пайтда ёшлардан 150 нафари меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўқитилмоқда. Компьютерда дастурлаш, дизайн, ижтимоий тармоқлар маркетинги, робототехника, математика йўналиши шулар жумласидан.

“IT-Park” филиалида ёшларнинг амалий кўникма ва тажрибасини ошириш учун истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ҳаётга таъбиқ этиш фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Бу келажакдаги ворисларига шу ернинг ўзига ишлаб, даромад топиш имконини бераётир.

Ботир МАДИЁРОВ
«Халқ сўзи».

Ижтимоий ҳимоя

Саховатдан тикланган иморат

Дунёда бир ўқсик кўнглини обод этмоқдан ортиқ яхшилик йўқ. Шу маънода, Тўрақўрғон туманининг Юкори Мўғултой маҳалласида Мўминовлар оиласи қиш фасли яқинлашаётган паллада кўнчилиқ кўмағи билан тикланган замонавий хонадонга кўчиб кирди.



Уч нафар имконияти чекланган фуқаро яшаيدиган бу оила яқин вақтгача ота-боболаридан қолган абгор, на янгилашга ва на таъмирлашга имконият қолмаган уйда яшаб келаётган эди. Шу йилнинг ёзида маҳалладошлар фикрлашиб, уларга янги бошпана куриб беришга чоғланишди.

Энди хонадон эгаларининг кўнгли тўқ. Икки хонали шинам уйни топириш маросими катта шодийнага айланди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси вакиллари янги хонадонга бир қатор маиший рўзгор буюмларини совға сифатида тақдим этди.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож бундай оилалар ҳеч қачон ёлғизлатиб қўйилмайди, — дейди уюшманинг Тўрақўрғон тумани бўлими раиси Мухаммадхон Опоқов. — Улар, аввало, давлатимиз, қолаверса, савобталаб инсонлар меҳри билан қуриб олинган. Янги уйга кўчиб ўтган Мўминовларнинг қувончи хайрли ишда саховат кўрсатган тадбиркорлар, барча қўни-қўшниларнинг кўнглини ҳам шод қилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛА — ЁРУҒ ЮЗИМИЗ ВА ВИЖДОНИМИЗ

Хонадонлардаги ободлик ва одамлар кайфиятидаги хотиржамлик маҳаллаларнинг қадриятлар бешиги, миллий урф-одатлар ва тарбия ўчоғи эканидан далolat. Шу маънода, Президентимиз раислигида маҳалла тизимини такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор ййгилишида ҳам маҳалланинг ўрни ва аҳамияти қанчалик муҳим эканига алоҳида урғу берилди.

Муносабат

Айтиш жоизки, бу ййгилиш маҳалла тизимига нисбатан янги ёндашувни ифодалади, хусусан, маҳалла энди фақат маъмурий тузилмадан воз кечган ҳолда аҳолининг муаммоларини ҳал этиш, иш ўринлари яратиш ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлашда етакчи бўлунга айланаётгани кўзга ташланмоқда. Айтилганидек, маҳалла институти фаолиятини ҳаёт талабларига мослаштириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ишсизлиқни қисқартириш ва маҳаллий даражада тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги

Мирза Фолиб маҳалласи, юқорида айтилганидек, шундай ибратли маҳаллалардан бири.

Ҳар гал шу маҳаллага борганимда ташвишли кунларимда елкадош, қувонганимда энг яқин сирдош бўлган, қадрдон масканга келганимни ҳис қиламан. Маҳалла раиси Дилшод Холматов жуда бамаъни, элу юрт учун куюнчак, фидойий одам эканини кўп эшитгандим. Унинг мазмунли суҳбатидан баҳраманд бўлганимизда бунга яна бир марта амин бўлдик. Эътиборлиси, суҳбат давомида раиснинг бир гапи дилимча ййратиб юборди: “вазифам одамлар ишончини қозониш...” Ана шу тамойил ҳар бир раис



юрагидан мустаҳкам жой олиши муҳим.

1966 йилда ташкил этилган бу маҳалла одамларни бир нуктада бирлаштирадиган, эзгу мақсад йўлида бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган оқибат масканига айланиб бoрyпти. 3,5 минг нафар аҳоли, 400 дан зиёд оилаларнинг ахил-инок ва тотувлиги сабаби бу гўшада, асосан, ўқимишли ва зиёлилар яшаётгани билан чамбарчас боғлиқ. Маҳалла Тошкент шаҳридаги нуфузли олий ўқув юртиларига яқин ҳудудда жойлашган. Бугунги кунда 1000 нафардан зиёд талабалар маҳалла хонадонларида барпо этилган хостелларда яшаб, таҳсил олишаётир. Университетдаги устозлар ҳам, ота-оналар ҳам бу

маскан фарзандлари учун энг ишончли жой эканини таъкидлашади. Демак, маҳалла — тарбия ўчоғи. Бунини шу ҳудудда Президент мактаби жойлашгани, у ерда энг иқтидорли ёшларимиз таҳсил олаётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Маҳалла Тошкент шаҳрининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган ва кўчалар, хиёбонлар, ҳар бир хонадон кун сайин гўзаллашиб, чирой оқмоқда.

Маҳалла гузари жуда чиройли ва серхашам. Одамлар бундай масканларга келиб, ҳордиқ қикаришни, дилдан суҳбат қуришни ёқтирашади. Йўллар қафтьдек текис, аҳоли турмуш шaroити ҳам юксалиб бoрyпти. Қувонтирган жиҳат шуки, шу маҳаллада туғилиб ўсган, айни пайтда тадбиркор, ишбилармон ёки нуфузли идораларда ишлайётган кишилар камбағалликни қисқартиришга баҳоли қудрат ёрдам қўлини қўзмоқда. Ва асосийси, берганимизни биров билмасин дейдиган бундай инсонларнинг астойдил экони ўз эгаларига етиб бoрмоқда.

Ҳақиқатда бугун маҳаллалар

— давлат ва жамият ўртасидаги энг муҳим боғловчи бўлун сифатида Янги Ўзбекистон стратегиясининг амалий пойдеворига айланмоқда. Яратилган имкониятлар, ажратилаётган маблағлар ва “маҳалла еттилиги” тизимидаги ислохотлар натижасида фуқароларнинг ташаббускорлиғи ортапти, тадбиркорлик кенгаймоқда ва аҳоли даромадлари ўсмоқда. Энг муҳими, маҳалла фуқаролар манфаатини ҳимоя қилувчи, уларнинг ҳаётини яхшилайдиган ва жамиятга ҳамжиҳатлиқни таъминлайдиган қучли ижтимоий институт сифатида тобора мустаҳкамланмоқда.

Ййгилишда давлатимиз раҳбари маҳалланинг тозаллиги — унинг юзи эканини таъкидлаб, республика миқёсида “Озодалик ва тозаллиқ ойллиғи”ни эълон қилиш ташаббусини илгари сургани кўнглимиздаги иш бўлди. Кўчалар, ариқлар, хиёбонлар ва бинолар атрофини ораста қилиш, гуллар экиш ишларини олиб бoрyпти. Шунингдек, давлатимиз раҳбари айтганидек, ёшлар тарбияси, оила-

вий барқарорлик ва маънавий масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ажримлар, эрта никоҳ ва алимент тўламаслик ҳолатлари оила учун ҳам, жамият учун ҳам жиддий зиён келтириши бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бoрилмоқда.

Бой маданий меросимиз, қадимий қадриятларимиз, миллий удумларимизни ўзида акс эттирган маҳалла тизими одамлар учун энг муқаддас даргоҳ. Демак, ёруғ юзимиз ва виждонимиз кўзгуси ҳисобланган шу заминда яшаётган одамларнинг ҳаёти, турмуш тарзи билан қизмақашсақ, нур устига нур бўларди. Аслида бу зимманимиздаги фарзандлик бурчимиз ҳисобланади. Зотан, инсон ўзи туғилган гўшада азиз бўлса, бошқа жойда ҳам қадри баланд бўлади.

Зилола ШОМАНУРОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Молия ва молия технологиялари кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

Шу йилнинг ўтган даврида мамлакатимиз тиббиёт марказлари фаолиятида 179 та янги ташхислаш ва 199 та доволаш усули йўлга қўйилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Ташхиритта келган қўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб бeрилшини учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббoев.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 07.05 Топширилди — 09.10 1 2 3 4 5 6